

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:
№ БД – 5111400 – 3.11
201 7 йил “ 2 ” 06

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
201 7 йил “ 28 ” 06

ТИЛИ ЎРГАНИЛАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Муратова Э.Д - ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, доцент.
- Умарова М. Ю. - ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, доцент.
- Махмудова Н.А. - ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

- Одилова Г.К. – Алишер Навоий номидаги ТДЎТАИ, “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, филология фанлари номзоди (*турдош ОТМ*);
- Султонсаидова С. – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, доцент.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан талабаларда Буюк Британия ва АҚШ адабий жараёнининг мантикий тарихий ривожланиши ва муҳим ходисалари ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Фанни ўқитишда бошқа Европа мамлакатлари адабиёти тарихидан келтирилган фактлардан ҳам ўз ўрнида фойдаланилади.

Чет тилида бадиий адабиётни ўқиш ва мазмунини англаш, чоп этилган бадиий асарлар, даврий матбуот нашрларида бу соҳа бўйича баён этилган асосий воқеа-ходисалар тўғрисида ўқиб, маълумотга эга бўлиш ҳамда уларни оғзаки сўзлаб бериш, мазмунини ёзма баён этиш каби фан доирасида ўрганиладиган масалалар талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятларида катта аҳамият касб этади. Ушбу фандан ўтиладиган маъруза, семинар машғулотларида матн билан ишлаш асосида талабаларнинг нутқий малакасини ошириш орқали турли хил нутқ услубларини эгаллаш имконияти яратилади. Машғулотларда асосий эътибор коммуникатив ёндашувга қаратилади.

Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи фани умумкасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, ўқув режасидаги бошқа назарий ва амалий курслар билан биргаликда инглиз тили бўйича ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашга йўналтирилган.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни Буюк Британия ва АҚШ адабиёти намояндалари ва уларнинг асарлари билан таништириш жар аёнида классик намуналарни таҳлил қилиш, улардаги назарий ва амалий билимларини шакллантириш, таълимий – тарбиявий ва бадиий -эстетик руҳни тарбиялаш. Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни Буюк Британия ва АҚШ адабиёти тарихи билан таништириш, адабиёт йўналишлари ва адабий ижоднинг муаммолари ва компонентларини ёритиш, адабий жараёндаги ўзаро алоқани кўрсатиш, ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- инглиз ва америка адабиёти ривожланиш босқичларини;
- турли адабий оқимлар тарихини;
- Буюк Британия ва АҚШ адабиёти етакчи намоёндалари ижодини тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- бадиий адабиётнинг ижтимоий борлиқ билан алоқасидаги муаммолар ечимини топишни;
- ихтисослиги бўйича аниқ, раван, мукамал маълумотлар, тавсифлар қила олишни;
- замонавий бадиий проза, поэзия, драматургия асарларини тушуниб, гапириб бера олиш;
- Буюк Британия ва АҚШ адабиёти тарихи тўғрисида кенг билимни ҳаётга тадбиқ қила олишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- турли адабий оқимларни фарқлай олиш;
- инглиз ва америка адабиёти етакчи намоёндалари асарларини таҳлил қила олиш;
- муаллифлари алоҳида нуктаи назарни ифодалай оладиган замонавий муаммога оид асарларни ажрата олиш;
- адабий-бадиий асарларни ўрганишда назарий билимларни қўллаш;

- адабий ижодга касбий нуктаи назардан муносабатда бўлиш;
- инглиз ва америка адабиётидаги жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуктаи назаридан таҳлил қилиш;
- ўз билимларини ҳозирги замон жаҳон адабиётидаги оқимларнинг тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти жараёнига таъсирини ўрганишда қўллаш;
- турли адабий мактаблар ёдгорликларининг жанр ва услубий фарқларини аниқлай билиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модул. Буюк Британия адабиёти

1-мавзу. Фанга кириш. Ўрта асрлар адабиёти

Буюк Британия ва АҚШ адабий жараёнларининг тарихий ривожланиши ва муҳим ҳодисалари. Буюк Британия ва АҚШ адабиётини жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси.

Илк ўрта асрлар Буюк Британия адабиётининг асосий йўналишлари ва унинг инглиз тили ривожланишига таъсири. Герман қабилалари ва инглизлар. Ижтимоий тузум ва маданий ҳаёт. Кельт қабилалари, Рим империясининг босқинчилик сиёсати ва англо-сакс ҳамда ютлар. V-VI асрлардаги инглиз адабиёти. Қадимги ва илк ўрта (I-X) асрлар англо-сакс адабиёти ёдгорликлари. «Беовульф» достони ва халқ оғзаки ижодиёти материаллари асосида фольклор ғояларини мифологик нуктаи назардан таҳлил этиш.

Эпосларнинг яратилиши ва ёзиб олинишида христиан хаттотларининг ўрни. VIII-X асрлардаги ижтимоий ҳаёт ва адабиёт. XI-XIII асрларда Буюк Британиянинг нормандлар томонидан забт этилиши ва унинг адабиётда ифодаланиши.

2-мавзу. Илк уйғониш даври

Илк уйғониш даври маданияти ва Ўрта асрлар адабиёти тушунчаси. Ўрта асрларда антик ва маданий мероснинг ўрни.

XIV аср халқ ҳаракатлари даврида ижтимоий ва ғоявий зиддиятларининг адабиётда ифодаланиши.

Ж.Чосер – ўрта асрлар адабиётининг демократик аъёнларини умумлаштирган санъаткор Буюк Британия илк ренессанс даври адабиётининг жарчиси. Ж.Чосернинг «Кентербери ҳикоялари» асарида ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши.

У.Легленд ижоди ҳамда инглиз реализми. У.Легленднинг “Қўшчи Пётр ҳақида хаёл” асарида деҳқон образининг ифодаланиши ва идеаллаштирилиши.

3-мавзу. Уйғониш даври адабиёти

Ғарбий Европа адабиёти. Уйғониш даври ҳақида тушунча. Буюк Британия адабиётида уйғониш даври. Томас Мор – инглиз уйғониш даври адабиётининг вакили. Т.Морнинг «Утопия» асари.

Драма ва театрнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши. Ф.Бэкон ва К.Марлонинг ижодий фаолияти.

Буюк инглиз адиби Уильям Шекспир ижодининг умумжаҳон аҳамияти. Шекспир ижодининг даврларга бўлиниши. Шекспир асарларидаги тарихий воқеалар ва сюжетлар манбаларининг муаммолари.

У. Шекспир сонетлари ва комедиялари. Уларда ҳаёт тарзи ва ҳаётбахш хусусиятларнинг акс эттирилиши.

4-мавзу. У. Шекспир трагедиялари ва тарихий драмалари

У. Шекспир хроникалари ва фожеавий асарлари. «Ромео ва Жульетта» - ўрта аср фанатизми устидан ғалаба қилган буюк инсоний севгини куйловчи асар. Ижтимоий кучлар зиддияти – фожеа негизи. Қахрамоннинг шахсий фожеаси замоннинг ижтимоий конфликти даражасига кўтарилиши. “Тамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир” – Шекспир ижодининг янги даври. Фожеанинг ижтимоий, тарихий фалсафаси ва психологик муаммолари. Шекспир асарларида тарихий воқеалар ҳамда бадиий тўқима. Шекспир ижодида ғоя ва образларнинг кўплиги, реализм ва халқчиллик. У. Шекспирнинг тарихий драмалари ва уларнинг Буюк Британия тарихида аҳамияти.

5-мавзу. XVII аср инглиз адабиёти.

Б.Жонсон ижоди. «Сеян: унинг емирилиши», «Каталина: унинг исёни» трагедияларида абсолют ҳокимиятга қарши кураш ғоясининг акс этиши. Б.Жонсон комедияларида инглиз ҳукмрон доираларининг сатирик образи. “Алкимёгар” комедияси.

Реставрация даврининг адабиётга бўлган таъсири.

Ж.Мильтон ижоди. «Йўқотилган жаннат» эпик поэмасида сиёсий воқеаларнинг тасвирланиши, Мильтон дунёқарашидаги зиддиятлар. Антик маданиятни юқори баҳолаши, «Топилган жаннат» асарларида зулмга қарши кураш. «Самсон-курашчи» асарида даврнинг актуал масалалари. Ж. Мильтон ижодига диний манбаларнинг таъсири.

Ж. Драйденнинг адабий мероси ва асосий асарлари. “Аннус Мирабилис” поэмасида ижтимоий ҳодисалар тасвири. Ёзувчининг сатирик асарлари: “Абсалом ва Ахистофел” ва “Мак Флекно”.

6-мавзу. XVIII аср инглиз маърифатчилик адабиёти

Инглиз адабиётида маърифатчилик даврининг ўзига хослиги. Журналистиканинг тараққиёти. Маърифатчиликнинг икки йўналиши. Д.Дефонинг журналистик фаолияти, асарларида жамиятнинг чиркин ҳаётини ҳаққоний тасвирлаши. Дефо бадиий услубининг ўзига хослиги. Дефо – адабиётнинг халқчиллиги учун курашчи. Д.Дефо - маърифий-реалистик романлар ижодкори. «Робинзон Крузо» асарининг маърифий аҳамияти. Дефо романлари роман жанри тараққиётида асосий босқич сифатида.

Жонатан Свифт – XVIII асрнинг йирик адабий танқидчиси ва ижодкори. Свифтнинг эстетик қарашлари. Свифт ижодида халқ масаласи. Свифт ва сатира. «Гулливернинг саёҳатлари» романи - инглиз ҳаётининг танқидий умумлашмаси сифатидаги асар. Асарда Англиядаги ҳукмрон синфнинг чиркин урф-одатлари, давлат сиёсати, фан ва маданиятга ёзувчининг муносабати. Свифт идеали ва Гулливер образи. Свифтнинг эстетик қарашлари. Свифт фантастикасининг реалистик негизи.

7-мавзу. Етук маърифатчилик даври адабиёти.

Буюк Британия маърифатчилик адабиётининг сўнги даври.

Г.Фильдиннинг ижодий фаолияти. Фильдинг роман жанри устаси сифатида. Фильдинг романларида ижобий қахрамон ва образлар муаммоси. Том Жонс образи.

Характерни карама-қаршиликлар орқали ҳамда ривожланишда очиб беришга интилиш. Фильдинг романларида сюжет куриш тамойиллари ва типиклаштириш муаммоси.

Инглиз реалистик романининг ривожиди Т.Ж.Смоллет ижодининг аҳамияти. Унинг асарларида сатира воситаларининг чуқурлаштирилиши.

Сетиментализм оқимини пайдо бўлиши. С. Ричардсон ва Л. Стерн ижодий фаолияти. Р.Шеридан ижоди ва унинг комедиялари.

8-мавзу. XIX аср инглиз романтизм адабиёти.

Буюк Британия адабиётида романтизм ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Р.Бернс – буюк шотланд шоири ва унинг ижодий фаолияти. У.Блейк шеърляти ва унинг инглиз адабиёти тарихидаги ўрни. У.Блейкнинг ижодий фалсафий фаолияти.

«Кўл мактаби» ва «Англия инқилобий романтизми» тушунчалари. «Лейкистлар»нинг адабий новаторлиги. Уильям Вордсворд, Самуэль Кулриж, Роберт Саутилар ижоди, шъериятларини асосий мазмун ва ғоялари.

9-мавзу. Тараққийпарвар романтизм вакиллари

Тараққийпарвар романтизмни тарихий негизлари ва асосий вакиллари. Ж.Байроннинг ҳаёти ва ижоди. “Чайльд Гарольднинг зиёрати” достонида Европа мамлакатлари миллий озодлик ҳаракати ҳақидаги романтик қарашлари, унинг сиёсий аҳамияти, Байроннинг – “Шарқ достонлари”, “Дон Жуан” асарларида адабий новаторлиги. Романтизм ва реализм услубларининг боғланиб кетиши. П.Б.Шелли ва Ж.Китсларнинг ижодий фаолияти.

Вальтер Скотт - тарихий роман жанрининг асосчиси. Унинг асарларида Англия, Шотландия ва Европа континенти ўзаро муносабатларида тарихий туб бурилишларнинг акс этиши. “Айвенго” ва “Тумор” романларининг хусусиятлари.

Жейн Остин ҳаёти ва ижоди. Ёзувчи романларида аёл мавқеи ва жамиятдаги тутган ўрни масаласининг ифодаси.

10-мавзу. XIX аср Буюк Британия адабиётида ижтимоий реализм оқими

XIX асрнинг 30-50 - йилларда реализмнинг инглиз адабиётида етакчи услуб сифатида қарор топиши. Викториа давр адабиёти тушунчасининг шаклланиши.

Ч.Диккенс-инглиз танқидий реализмининг йирик вакили. Ч.Диккенс ижодининг даврларга бўлиниши. Ч.Диккенснинг эстетик қарашлари ва унинг ижодидаги демократик анъаналар. Илк асарлари (“Боз очерклар”, “Пиквик клуби хотиралари”). Диккенс-юморист. “Оливер Твист” ва “Николас Никклби” романларида социал мавзу. Диккенснинг Америкага сафари ва унинг адиб ижодида акс этиши (“Америка хотиралари” ва “Мартин Чезвлт”). Диккенс ва чартизм. “Рождество ҳикоялари”. “Домби ва унинг ўғли” романи. Адибнинг 50-йиллар бошларидаги ижтимоий романлари (“Совуқ уй”, “Оғир кунлар”, “Митти Доррит”).

У.Теккерей ижодининг даврларга бўлиниши. Унинг асарларида ҳажвий йўналиш. «Манманлик ярмаркаси» - қаҳрамонсиз асар сифатида. “Генри Эсмонд”, “Ньюкомс” ва бошқа асарларида инглиз жамиятини ифодаланиши.

У. Коллинз ижоди (“Оқ кийинган аёл”, “Ой тоши” асарлари).

Викториа даври шеърляти. А.Теннисон ва Браунинглар шеърляти.

11-мавзу. XIX аср Буюк Британия аёл ёзувчилари

Инглиз реализм ривожда аёл ёзувчилар роли. Опа-сингил Бронтелар ("Жейн Эйр", "Момокалдирокли довон", "Агнес Грей"). Э.Гаскелл ("Мери Бартон", "Шимол ва Жануб", "Аёллар ва қизлар") романлари. Ж.Элиот ижоди. ("Флоссдаги тегирмон", "Мидлмарч" асарлари). Аёл образининг янгича тасвирланиши. Инглиз аёлини жамиятда тутган ўрни ва мавқеи. Викториан аёл образи. Замонга оид ижтимоий муаммоларни ёритилиши.

12-мавзу. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари Буюк Британия адабиёти

Викториан даврнинг сунгги босқичи. Т.Гарди ҳаёти ва ижоди. Унинг асарларида тушқунлик ва фатализм кайфиятлари. Романлардаги қишлоқ ҳаёти тасвири, одоб-ахлоқ масаласи.

Инглиз детектив жанрининг ривожиди. Артур Конан Дойл ушбу жанр ривожига қўшган ҳиссаси.

Эдвардиан давр адабиёти. Буюк Британия адабиётида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши. Эстетизм оқимининг асосий ғоялари. О.Уайлдларнинг ижодида "Санъат фақат санъат учун" ғояни ифодаси.

Г.Ж.Уэллснинг ижтимоий-фалсафий фантастикаси. ("Вақт машинаси", "Кўринмас одам", "Дунёлар кураши") асарлари.

Р.Киплинг. Инсон фаоллиги ва мардлигининг улуғланиши. "Чангалзорлар китоби", "Нур сўнди" ва "Ким" асарларининг бадиий аҳамияти. "Агар" шъерини дидактик аҳамияти.

13-мавзу. XX аср Буюк Британия адабиёти

Ж.Голсуорси ва унинг "Форсайтлар ҳақида сага" асари. Адиб ижодида XIX аср реализми анъаналари. XX аср биринчи яримида Буюк Британия ижтимоий ҳаётини романларда тасвирланиши.

Инглиз драмасидаги янги давр. Б.Шоунинг адабий-танқидий фаолияти. Б.Шоу ва фабиан жамияти. Б.Шоу ижодида уруш ва мустамлакачиликка қарши кайфиятларнинг акс эттирилиши. Б.Шоу ва "Мустақил театр". Б.Шоу драматургияси ("Ёқимли пьесалар", "Ёқимсиз пьесалар", "Пуританлар учун пьесалар"). "Пигмалион" пьесасида тил ўрганиш ва соф тил масаласи.

14-мавзу. I ва II жаҳон уруши даврида Буюк Британия адабиёти

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг адабиётга бўлган таъсири. Шу даврда янги адабий йўналишлар ривожиди. Модернизм санъат ва адабиётда. Модернизм турлари, услублари ва асосий ғоялари.

"Йўқотилган авлод" тушунчаси. Ричард Олдингтон ва унинг "Йўқотилган авлод" га бағишланган романи "Қаҳрамоннинг ўлими". Муаллифнинг I жаҳон урушига муносабати. Вера Бриттаннинг "Testament of Youth" автобиографик романида инсонпараврлик ва тинчликпарварлик ғоялари. Руперт Брук, Зигфрид Сассун, Уилфред Оунларнинг урушга қарши шъерияти.

Ж.Жойс ва инглиз модерн насрининг тараққиёти, В.Вулф ижодида янги тасвир воситаларининг қўлланилиши. Т.С.Элиот ижодида инглиз модерн шеъриятининг намоён бўлиши.

У.Моэм ҳаёти ва ижоди. С. Моэм ижодига модернизм таъсири. Реалистик ва натуралистик унсурларнинг бирикиши. С.Моэм - ҳикоянавис.

Антиутопия роман тараққиёти. О.Хакслининг “О, ажиб янги дунё” ва Ж. Оруэллнинг “Хайвонлар фермаси” романида ижтимоий ҳаёт тасвирланиши.

15-мавзу. II жаҳон урушидан кейинги Буюк Британия адабиётининг тараққиёти

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Буюк Британия адабиёти. Постмодернизм тушунчаси.

Ч.Сноу ижодини инглиз адабиётига бўлган таъсири. Ижтимоий масалари тасвири.

Экзистенциализм фалсафаси намояндалари – У.Голдинг, Айрис Мердок, Мюриэль Спарк, Дж.Фаулз. Уильям Голдинг ижодий услубиятида замонавий ғояларнинг реалистик ақидалар билан муштараклиги. Айрис Мердок ижодида экзистенциализм фалсафаси.

Инглиз адабиётида “Антиколониал роман” (Д.Олдридж, Н.Льюис), “Ишчи роман”и (А.Силлитоу, Сид Чаплин), “Жаҳлдор ёш авлоди” драмаси (Ж. Осборн) ва романлари (К.Эмис, Д.Уэйн)ларнинг ижодий муаммолари.

Г.Грин (“Ювош америкалик”, “Комедиантлар”) асарларининг хусусиятлари.

16-мавзу. Замонавий Буюк Британия адабиёти

XX асрнинг охирида инглиз адабиёти тараққитининг ўзига хослиги. Неовикториан адабиётини пайдо бўлиши (А. Байетт, Ж. Рис, П. Акройд, Ч.Паллиссер ва бошқалар).

Фэнтэзи жанри тараққиёти. Ж.Р. Толкиен, К.С. Льюис, Ж. Роулинглар ижоди.

Ушбу давр инглиз шеърляти. “Ливерпуль шоирлари” ижоди(Б. Пейтен, Адриан Хенри, Р. Макгаф) асарлари. “The movement” шоирлари (Ф. Ларкин, Э. Дженнингс, Ж. Жозеф ва бошқалар).

Янги авлод ёзувчи аёлларининг ижтимоий ҳаётдаги аёл тимсолига муносабати масаласи. Дорис Лессинг, Кейт Аткинсон, Маргарет Дрэббл ва Сьюзен Хилларнинг ижодий фаолияти. Инглиз адабиётида турли давр Нобель мукофоти лауреатлари.

Инглиз адабиёти ва инглиз тилида ёзилган адабиёт тушунчалари (English literature and Literature in English). К. Исигуро, Ханиф Курейши инглиз “мультимаданият”(multicultural literature) адабиёт вакиллари сифатида.

XXI асрнинг бошларида инглиз адабиёти тараққиёти. Дэвид Митчел ва Зади Смит асарлари.

2-Модул. АҚШ адабиёти

17-мавзу. Америка колониал даври адабиёти

АҚШ адабиёти ва унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни. АҚШнинг тарихий ривожланиши хусусиятлари ва америка адабиётида миллий ўзига хослик муаммоси. Адабий жараённинг даврларга бўлиниши. XVII-XVIII асрлар адабиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳинду қабилаларининг халқ оғзаки ижоди намуналари.

XVIII асрда Америка қитъасида мустамлакалаштириш даврининг яқунланиши. Шимолий Америкадаги озодлик ҳаракати. Мустақиллик ва АҚШни барпо этиш учун кураш ва бу жараёнларнинг адабиётда акс этиши. Маҳаллий аҳоли маданияти. Миллий адабиёт шаклланишининг бошланиши. АҚШ адабиёти учун Европа анъаналари ва маърифатчилик фалсафасининг аҳамияти.

18-мавзу. Америка маърифатчилик даври адабиёти

Америка маърифатчилик даври (1776-1820) адабиётининг ўзига хос хусусиятлари. Америка маърифатчилик адабиёти. Маърифатчилик адабиёти журналистикаси.

АҚШнинг биринчи миллий шоири Ф.Френео шъериятининг ғоялари. Унинг ижодида классицизм ва романтизм адабиётига хос хусусиятларнинг уйғунлиги ("Зулматдаги уй"). Р.Брауннинг ижодий фаолияти ("Эдгар Хантли").

Шимолий Америка маърифатчиларининг фаолияти ва публицистикаси. Бенжамин Франклин – буюк Америка мутаффакири, комусий олим. “Бечора Ричард альманахи” асари ва дидактик жанр тараққиёти. Т.Пейннинг “Соғлом идрок” памфлетида озодлик учун кураш

19-мавзу. Америка адабиётида романтизм ва трансидентализм

Илк романтизм даври. В. Ирвинг, Ж.Ф.Купер асарлари ва уларнинг хусусиятлари. В.Ирвинг ижодида Америка ўтмишининг бадиий романтикаси ("Рип Ван Винкль"). Ирвинг романтизми хусусиятлари. Ф.Купер ижоди ("Жосус", "Пионерлар", "Сўнги Могикан"). Унинг романтик услуби хусусиятлари. “Чарм Пайпоқ ҳақидаги роман”лар туркуми. Ф.Купернинг 40-50-йиллардаги ижтимоий романлари.

“Готик романтизм” тушунчаси. А.Э.По ижоди, унинг даврларга бўлиниши. А.Э.По ҳикоялари ва лирикасида 30-40-йиллардаги Америка ижтимоий ҳаётидаги кайфиятларнинг пессимизм, қўрқув кабиларнинг акс этиши. Ёзувчининг Америка адабиётида “готик романтизм” ривожига қўшган ҳиссаси.

У.Хоторн ижоди ва унда Америка ўтмишининг ифодаланиши. (“Алвон ҳарф”).

Г. Мелвилл ижоди. "Моби Дик" романи. Романда фалсафий тимсолнинг ўрни. Мелвилл ижодининг услубий хусусиятлари.

“Бостон трансидентализм мактаби”. Х.Д.Торро ва Р.У. Эмерсон ҳаёти ва ижоди. Ёзувчиларнинг шъериятларида индивидуал шахс қобилиятларига ишончни ифодаланиши. Инсон ва табиат уйғунлиги. Уолт Уитмен ижодий услубининг хусусиятлари. Унинг америка шъериятига киритган услубий янгиликлари, халқ оғзаки ижоди билан алоқаси. У.Уитмен ижодининг асосий мавзулари ва бадиий шакллари. "Майса япроқлари" тўплами. Шоир ижодининг услубий хусусиятлари. Эмили Диккенсон, Маргарет Фуллер шъериятидаги асосий мавзулар.

20-мавзу. Америка адабиётида аболиционизм

Аболиционизм тушунчаси. Г.Бичер Стоу ва унинг «Том тоғанинг кулбаси» асари. Кулдорлик тузумининг қораланиши. Шимол ва Жануб ўртасидаги фуқаролар уруши ва унинг адабиётда акс эттирилиши

Г.Лонгфелло ижоди ва дунёқараши. Ирқчилик ва кулдорликнинг танқиди. “Куллик кўшиқлари”, “Гаявата ҳақида кўшиқ” асарларида ҳиндулар мавзуси. Лонгфелло лирикасида табиат мавзуси.

21-мавзу. XIX асрнинг охири XX аср бошлари Америка адабиётида реализм

Реализм. XX аср боши реализмида романтик унсурлар. “Асрлар бўсағаси”да АҚШ адабиётида йўналишлар кураши.

У.Д.Хоуэллс ва Х.Джеймс ижодлари.

Марк Твен ҳаёти ва ижоди. Ёзувчининг илк асарларида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг акс этиши ва ижодининг даврларга бўлиниши. М.Твеннинг Том Соьер,

Гек Финн ҳақидаги романлари ва АҚШда танқидий реализмнинг шаклланиши. Твен феодализм танқидчиси ("Шахзода ва гадо"). М.Твен романтизм ва реализм хусусида ("Фенимор Купернинг адабий гуноҳлари"). "Янкилар қирол Артур саройида" романи: унинг жанр хусусиятлари. М.Твен сатираси, унинг эволюцияси. Ижодининг сўнгги йилларидаги зиддиятлар.

О' Генри қисқа ҳикоялар устаси сифатида. Муаллиф ижодининг услубий ўзига ҳослиги. Ҳикояларда ижтимоий ҳаёт, эзгулик тасвири.

Ж.Лондон ижодининг даврларга бўлиниши. "Шимол ҳикоялари" тўплами. Ёзувчининг дунёқарашидаги зиддиятлар, "Мартин Иден" автобиографик роман сифатида.

XIX аср охири адабиётида натурализм. Ф.Норрис ва С.Крейнларнинг Америка адабиёти ривожланишида тутган ўрни. Инсон ва жамият мавзуси.

22-мавзу. XX аср бошида Америка адабиёти

Теодор Драйзер ижоди ва XX аср Америка адабиётида реализмнинг ривожланиш йўллари. Т.Драйзернинг адабий новаторлиги ("Америка фожеаси", "Женни Герхардт", "Бахтиқаро Керри").

Жон Рид ҳаёти ва ижоди. "Дунёни қахшатган 10 кун" романи.

20-йиллар АҚШ адабиётида ижтимоий реализм. Эптон Синклер ва Синклер Льюисларнинг ижоди, уларнинг асарларида Америка ҳаётининг таъсири. Эптон Синклернинг "Чангалзор" романидаги асосий ғоя ва муаммолар. Синклер Льюис ва унинг "Асосий кўча" ва "Бэббит" романлари.

Кэйт Чопин ижоди ва бадиий асарларида аёллар ҳаётини ифодаланиши.

23-мавзу. XX аср Америка "йўқотилган авлод" адабиёти

Америка модернизми. Э.Хемингуэй ижодида биринчи жаҳон уруши мавзусининг акс эттирилиши. Э.Хемингуэй «Ўзини йўқотган авлод» жарчиси сифатида. "Алвидо, қурол" романи. Матн остида маъно - "Айсберг" тамойили. Э.Хемингуэй ижодининг сўнгги даври. «Чол ва денгиз» асари.

Ф.С.Фицджеральднинг "Буюк Гетсби" романи. Ш.Андерсон ижодида психологик новелланавислик ва АҚШ адабий анъаналари.

Дос Пассос ва "АҚШ" трилогияси. АҚШ адабиётида жануб мавзуси.

Уильям Фолкнер ижодининг ўзига хос хусусиятлари. Снопслар оиласи ҳақида трилогия. Фолкнер романларида жануб, психологизм, замон муаммолари.

1930 йилларда иқтисодий инқироз ва адабиёт. "Буюк депрессия" адабиёти. Жон Стейнбек ижодида умидсизлик ва ишонч ғоясининг ўзига хос ифодаси. Эрскин Колдуэл ва унинг ҳикоялари.

24-мавзу. XX аср давомида афро-америкалик адабиёт тараққиёти

1910-1930 йилларда Харлемда Уйғониш даври. Афро-америкалик ёзувчилар ижоди ва уларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқлари учун кураши. Афро-америкалик ёзувчиларнинг ижтимоий ҳаракатлари. Клод Маккей, Б. Вашингтон, Ленгстон Хьюз, Зора Хёрстон ижоди.

XX аср иккинчи яримида афро-америкалик ёзувчилар ижоди ва асосий мавзулар эволюцияси. Р.Райт, Дж.Болдуин, Р.Эллисон романлардаги ирқчилик масаласи.

Тони Моррисон - янги авлод аёл ёзувчиси. Моррисон асарларининг халқаро миқёсда эътирофга сазовар бўлиши. «Самовий кўз» асари. Мураккаб, маънавият ўта чуқур

ифодаланган романларида қоратанли инсонларнинг ўзлигини англаш муаммосининг ифода этилиши. Моррисон ижодида («Суюкли») оқ ва қоратанлилар орасидаги муносабатлар масаласининг ҳал қилиниши.

Мая Ангелу роман, ҳикоя ва шеърляти.

25-мавзу. II жаҳон урушидан кейинги давр адабиётида реализм

50-60 йиллардаги ёшлар ҳаракати. «Битниклар авлоди» Р.П.Уоррен, Дж.Керуак, А.Гинзберг. Д.Селинджер романларида ёш авлод масаласи.

И.Шоу, Дж.Джонс, Н.Мейлер, К.Воннегуд, Д.Хеллер – урушда қатнашган ёзувчиларнинг ижодий фаолияти. II жаҳон уруш тасвири.

Хужжатли роман тарақиёти. Трумен Капоте хужжатли бадиий настри ва «Совуқ қон» романи.

26-мавзу. XX аср Америка драматургияси, фантастикаси ва детектив жанри.

XX аср Америка драматургиясида ижтимоий ҳаёт тасвири. Южин О'Нил, Эдвард Олби, Артур Миллер, Тенесси Уилямс, Лилиан Хелмен, Сем Шеппард драматургияси.

Америка илмий фантастика тарақиёти. Р.Брэдбери, А.Азимов, С.Кинг илмий фантастикаларида ижтимоий мавзулар ифодаланиши.

Детектив романлар. Д. Хэммет ва У. Легиунларни замонавий америка детектив жанри ривожига қўшган ҳиссаси. Янгича детектив образи. Ж. Гришэм ижодий фаолияти.

27-мавзу. Америка адабиётида аёл ёзувчилар

Юдора Уэлти, Жойс Карол Уотс, Элис Уолкерларнинг Америка адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси. Қўшма Штатларнинг лауреат шоираси Рита Давнинг асарлари. Ямайка Кинсайд, Тони Кэди Бамбара ва Уолкер замонавий романнавислар ижодида назарга яқин ва ишончга сазовор одамларнинг орзулари ва омадсизликларининг тасвирланиши.

28-мавзу. Замонавий Америка адабиёти

Замонавий Америка адабиёти. Ижодий оқимлар, услуб ва маҳорат масаласи. Дж.Гарднер, Дж.Апдайк, Сол Беллоу, Чарлз Райт, Ж.Грехемларнинг ижодий фаолиятлари.

АҚШда «мультимаданият»(multicultural literature) адабиёт вакиллари. Хинду америка адабиёти, Хитой америка адабиёти, Яхудий америка адабиёти, Лотин америка адабиёти (Чикано адабиёти) ва бошқалар.

IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Буюк Британия адабиёти

- Илк ўрта асрлар адабиёти
- Ўрта асрлар даври инглиз адабиётининг шаклланиши
- Уйғониш даври адабиёти
- У.Шекспирнинг лирикаси ва комедиялари.
- У.Шекспирнинг тарихий хроникалари, драма ва трагедиялари
- XVII - XVIII аср маърифатчилик даври адабиёти
- XIX аср инглиз романтизм адабиёти

- XIX аср инглиз адабиётида реализм ижодий методи
- XIX аср инглиз адабиётининг аёл ёзувчилари
- XIX асрнинг охири ва XX аср биринчи ярми инглиз адабиёти
- Инглиз фантастикаси тараққиёти
- XX аср икки жаҳон уруши орасида инглиз адабиёти
- XX аср инглиз драмаси
- XX асрнинг иккинчи ярми инглиз адабиёти.
- Замонавий инглиз адабиёти.
- Инглиз адабиётида Нобель мукофоти совриндорлари.

АҚШ адабиёти

- Америка маърифатчилик адабиёти
- Америка романчилигида саргузаштнома жанри
- Америка адабиётида аболиционизм ва трансцендентализм
- XX аср америка адабиётида реализм
- “Йўқотилган авлод адабиёти”
- XX аср адабиёти
- XX аср биринчи ярми америка адабиёти
- Афро-америкалик ёзувчилар
- Детектив ва фантастик жанр тараққиёти
- XX аср Америка драматургияси
- XX асрнинг охири XXI аср бошлари америка адабиёти.
- Америка адабиётида Нобель мукофоти совриндорлари

Семинар машғулотида мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмаларни қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

Буюк Британия адабиёти

1. «Беовульф ҳақида поэма» асарининг бадиий хусусияти
2. Ўрта асрлар даври инглиз адабиётининг ўзига хос хусусияти
3. Инглиз-норман адабиёти
4. Ж. Чосернинг «Кентерберий ҳикоялари» асарида жанр хилма-хиллиги
5. У. Легленднинг «Кўшчи Пётр ҳақида ҳаёл» асарида аллегорик образлар талқини.
6. XIV-XV аср инглиз халқ балладалари.

7. К.Марло асарларида Шарқ мотиви.
8. У.Шекспир асарларида рухий ҳолат тасвири
9. У.Шекспир соннетлари
10. У.Шекспир ижодида тарихий мавзу.
11. У.Шекспир трагедияларида ижтимоий ҳаёт тасвири.
12. Ж. Мильтон асарларида диний ва дунёвий муаммоларнинг акс этиши
13. Англия уйғониш даври адабиёти
14. XVIII аср инглиз маърифатчилиқ даври адабиётида роман жанрининг шаклланиши.
15. XIX аср инглиз романтизми.
16. Инглиз реализмининг шаклланишида Ч.Диккенснинг роли.
17. Ж. Байрон ижодида Шарқ мотиви.
18. Инглиз адабиётида эпистоляр роман жанри.
19. Опа-сингил Бронтелар ижоди..
20. Ж. Элиот ижодида инглиз ижтимоий ҳаётининг акс этиши.
21. XX аср инглиз адабиётида янги адабий оқимлар
22. Инглиз адабиётида модернизм адабий оқимининг пайдо бўлиши.
23. Инглиз адабиётида Нобель мукофоти совриндорлари

АҚШ адабиёти

1. Ҳинду қабилаларининг оғзаки ижод намуналари
2. Б.Франклин асарларида маърифатчилиқ ғояларининг акс этиши
3. Ф.Ференеа асарларида озодлик учун кураш
4. Неоклассицизм оқимининг шаклланиши
5. Ф.Купер ижодида ҳиндулар ҳаётининг акс этиши.
6. Т.Пейн асарларида озодлик учун кураш
7. Б.Стоу асарларида кулчиликка қарши кураш.
8. Т.С.Элиот шеърятининг ўзига хослиги
9. Э.По ижодида Амир Темур образи
10. Америка адабиётида Нобель мукофоти совриндорлари
11. П.Бак ижодида Хитой халқи ҳаётининг акс этиши
12. Л.Синклер асарларида ижтимоий ҳаёт тасвири
13. Ж.Лондоннинг “Шимол ҳикоялари”да табиат ва инсон.
14. Т.Драйзер асарларида шахс муаммоси
15. Америка адабиётида модернизм адабий оқимининг пайдо бўлиши.
16. Йўқотилган авлод адабиёти
17. Иккинчи жаҳон уруши мавзусининг Америка адиблари ижодида акс этиши
18. XX аср иккинчи ярми Америка адабиёти
19. XX аср Америка адабиётида янги адабий оқимлар

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши. Курс ишининг мақсади талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек уларда илмий ижодкорлик кўникма ва малакаларини шакллантириш, мавзудан келиб чиқиб даврлаштириш, эркин фикрлашга, дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ижодий фойдаланишга, бадий асарларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишга ўргатишдан иборат.

Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

1. Humor and satire in W. Shakespeare's comedies.
2. The reflection of heroism in the novels of E.Hemingway.
3. Enlighteners' philosophy and its reflection in English literature.
4. Problems of childhood and education in Ch.Dickens' works.
5. Walter Scott – a founder of a genre of a historical novel in English literature.
6. Women-writers in English literature.
7. Langston Hughes and his poetry.
8. The Second World War in American literature.
9. The theme of motherland in Robert Burn's poetry.
10. English romanticism and its development.
11. Optimism of W. Shakespeare's tragedies.
12. W. Shakespeare's legacy in 21 century
13. Christopher Marlowe's "Carp Diem Poetry"
14. Charles Dickens as a founder of Christmas genre in British literature
15. Aldous Huxley and his dystopian novel "The Brave New World"
16. The social aspects of G. Orwell's novel "1984"
17. British fantasy fiction in 20th century.(J.K. Rowling)
18. The description of truth and issue in Shakespeare's histories.
19. The status of women described in the novel "Emma" by Jane Austen.
20. Mark Twain – a founder of a humorous story genre in American literature.
21. Critical realism in English literature of the XIX.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. A companion to American Literature and Culture. Edited by Paul Lauter. UK: Blackwell Publishing. 2010. 770p.
2. Bakoeva M. Muratova E., Ochilova M. English Literature. Tashkent 2010
3. English literature from the 19th century through today / edited by J.E. Luebering. p. cm. — (The Britannica guide to world literature) by Britannica Educational Publishing New York. 2011
4. English literature from the Restoration through the romantic period / edited by J.E. Luebering.—1st ed.p. cm.—(The Britannica guide to world literature) by Britannica Educational Publishing New York. 2011
5. Richard Gray. A History American Literature. Third Edition. Blackwell Publishers Ltd 2012. UK

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Angela Vietto. Research Guide to American Literature: Early American Literature, 1776–1820. New York. 2010.
6. Benjamin Franklin. Research Guide to American Literature: Colonial Literature, 1607–1776. New York. 2010.
7. Gale Contextual Encyclopedia of American Literature. USA, 2009.
8. John Cusatis. Research Guide to American Literature: Postwar Literature, 1945–1970. New York. 2010.
9. Kathryn West and Linda Trinh Moser. Research Guide to American Literature: Contemporary Literature, 1970 to Present. New York. 2010.
10. Liliana Sikorska. An outline history of English literature. 2003, 529p
11. Oxford companion to English literature. Margaret Drabble. Oxford University press. 2000.
12. The chronology of American literature. America’s Literary Achievements from the Colonial Era to Modern Times. Edited by Daniel S. Burt Boston New York, 2004 .
13. Thornley G.C. An outline of English literature. Longman, 2003.
14. Christopher MacGowan. The twentieth-century American fiction handbook . – (Blackwell literature handbooks). United Kingdom. 2011

Интернет сайтлари

1. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
2. <http://www.twirpx.com>
3. <http://www.uz-translations.net>
4. <http://www.booksbooksbooks.ru>
5. <http://www.literature-online>

